

وَعَنْ حُدَيْفَةَ بْنِ الْيَمَانِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: حَدَّثَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَدِيثَيْنِ قَدْ رَأَيْتُ أَحَدَهُمَا، وَأَنَا أَتَنْظِرُ الْآخَرَ: حَدَّثَنَا أَنَّ الْأَمَانَةَ تَرَكْتُ فِي جَذْرٍ قُلُوبِ الرِّجَالِ، ثُمَّ تَرَكَ الْقُرْآنُ فَعَلِمُوا مِنَ الْقُرْآنِ، وَعَلِمُوا مِنَ السُّنَّةِ، ثُمَّ حَدَّثَنَا عَنْ رَفْعِ الْأَمَانَةِ فَقَالَ: «يَنَامُ الرَّجُلُ النَّوْمَةَ فَتَقْبَضُ الْأَمَانَةُ مِنْ قَلْبِهِ، فَيَظْلُمُ أَثْرَهَا مِثْلَ الْكُتُبِ، ثُمَّ يَنَامُ النَّوْمَةَ فَتَقْبَضُ الْأَمَانَةُ مِنْ قَلْبِهِ، فَيَظْلُمُ أَثْرَهَا مِثْلَ أَثْرِ الْمَجْلِ، كَجَمْرٍ دَحْرَجَتُهُ عَلَى رِجْلِكَ فَنَفِطَ، فَتَرَاهُ مُنْتَبِراً وَلَيْسَ فِيهِ شَيْءٌ - ثُمَّ أَخَذَ حَصَّةً فَدَحْرَجَهُ عَلَى رِجْلِهِ - فَيُصِبِّحُ النَّاسُ يَتَبَاعِيُونَ، فَلَا يَكَادُ أَحَدٌ يُؤْدِي الْأَمَانَةَ حَتَّى يُقَالَ: إِنَّ فِي بَنِي فُلَانٍ رَجُلًا أَمِينًا، حَتَّى يُقَالَ لِلرَّجُلِ: مَا أَجْلَدَهُ!! مَا أَظْرَفَهُ!! مَا أَعْفَلَهُ!! وَمَا فِي قَلْبِهِ مِنْ قَوْلَهُ مِنْ حَرْدَلٍ مِنْ إِيمَانٍ. وَلَقَدْ أَتَى عَلَيَّ زَمَانٌ وَمَا أُبَايِلِي أَيُّكُمْ بَايَعْتُ؛ لَعِنْ كَانَ مُسْلِمًا لَيُرَدَّنَهُ عَلَيَّ دِينُهُ، وَلَعِنْ كَانَ نَصْرَانِيًّا أَوْ يَهُودِيًّا لَيُرَدَّنَهُ عَلَيَّ سَاعِيَهِ، وَأَمَّا الْيَوْمَ: فَمَا كُنْتُ أُبَايِعُ مِنْكُمْ إِلَّا فُلَانًا وَفُلَانًا». مُتَفَقُ عَلَيْهِ. [خ 6497، م 143].

قَوْلُهُ: «جَذْر» بِقَطْحِ الْجِنِّ وَإِسْكَانِ الدَّالِ الْمُعْجَمَةِ، وَهُوَ أَصْلُ الشَّيْءِ، وَ«الْكُتُبُ» بِالْتَّاءِ الْمُشَّاءِ: الْأَثْرُ الْيَسِيرُ، وَ«الْمَجْلُ» بِقَطْحِ الْمِيمِ وَإِسْكَانِ الْجِنِّ، وَهُوَ تَنَفُّطٌ فِي الْيَدِ وَنَحْوُهَا مِنْ أَثْرِ عَمَلٍ وَغَيْرِهِ، قَوْلُهُ: «مُنْتَبِراً»: مُرْتَفِعًا، قَوْلُهُ: «سَاعِيَهِ»: الْوَالِي عَلَيْهِ.

Хузайфа ибн Ямон розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳ алайҳи васаллам бизга (омонат ҳақида) иккита ҳадис айтиб бердилар. Бирини(нг рүёбга чиққанини) кўрдим, бошқасини кутиб юрибман. У зот бизга шундай деганлар: «Омонаатдорлик (дастлаб) одамларнинг қалбининг тубига тушди. Кейин Қуръон нозил бўлиб, уни Қуръондан ҳам, Суннатдан ҳам ўрганишди». Сўнгра омонаатдорликнинг

күтарилиши ҳақида ҳам сўзлаб, шундай деганлар: «Киши бир уйқуга кетади-ю, қалбидан омонатдорлик суғуриб олинади ва озгина асари қолади. Кейин яна уйқуга кетади-ю, яна қалбидан омонатдорлик суғуриб олинади ва худди оёғингга чўғ тушириб юборганингдек, қаварган изи қолади. Пўрсилдоқ бўлиб шишганини кўрасан-у, ичидаги ҳеч нима бўлмайди. – Кейин майда тошни олиб, оёқларининг устига ташладилар – Одамлар олди-сотди қилишади, лекин ҳеч ким омонатни адо қиласай демайди. Ҳатто «Бану Фалонда бир омонатдор киши бор экан», дейишади. Бир киши ҳақида «Қандай басавлат!», «Қандай кўркам!», «Қандай ақлли!» дейишади, ҳолбуки, унинг қалбига хардал уруғичалик ҳам иймон бўлмайди». Шундай замон бўлдики, қай бирингиз билан савдо-сотик қилаётганимга парво қилмас эдим. Мусулмон бўлса, уни менга (хиёнат қилишдан) диёнати қайтарарди, насроний ёки яхудий бўлса, уни менга (хиёнат қилишдан) волийси қайтарарди. Бугун эса фалончи ва фалончилардан бошқа ҳеч ким билан савдо-сотик қилмаган бўлар эдим».

Муттафақун алайҳ.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

